

INDORAMA	«Indorama Agro» ХИИ МЧЖ	Хужжат рақами	H.01.F22-P31/D001
		Ишлаб чиқилган сана	01.12..2023
	Учинчи томон ишчиларининг одоб-ахлоқ кодекси	Ўзгариш киритилган сана	
		Амалга киритиш санаси	02.01.2024
		Варақлар сони	Саҳифа 1/5
УЧИНЧИ ТОМОН ИШЧИЛАРИНИНГ ОДОБ-АҲЛОҚ КОДЕКСИ			

Кириш қисми

"Индорама Агро" ХИИ МЧЖ (IAL) (Компания) ўзининг фаолиятида энг юқори ахлоқий меъёрларга риоя қилишга интилади. Ушбу учинчи томон ишчиларининг одоб-ахлоқ кодекси ташкилотимиз номидан ишлайдиган барча пудратчилар, субпудратчилар ва учинчи томон ишчилари учун талабларни белгилайди.


Жавобгарлик

- Ишлаб чиқиш ва анализ: HR ва Бухгалтерия командалари
- Ишнинг бажарилишини мувофиқлаштириш – Бухгалтерия, дала ишлари ва Пудратчиларни назоратини олиб бориш командаси
- Мониторинг – HR командаси
- Ҳисобот - молия бошлиғи, HR менежери, операцион директор Биз барча пудратчилар, субпудратчилар ва учинчи томон ишчилари ва уларнинг ходимларидан ушбу тамойилларга риоя қилишлари ва хавфсиз, ўзаро ҳурмат ва адолатли иш муҳитини яратишлари талаб этилади.

1. Адолатли иш ҳақини тўлаш

1.1. Тўлов

- Барча ишчиларга амалдаги қонунчиликда белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ёки ундан ортиқ миқдорда иш ҳақи тўланиши шарт.
- Иш вақтидан ташқари вақтда ишлагани учун тўлов ва иш ҳақи билан боғлиқ бошқа тўловлар амалдаги меҳнат қонунчилиги ва бошқа норматив ҳужжатларга асосланган ҳолда тўлаб берилиши таъминланади.

Тайёрлади:	Лавозими - Кадрлар бўлими менеждери	Сана: 01.12.2023	Имзо: 
Текширди:	Лавозими - Кадрлар бўлими директори	Сана: 01.12.2023	Имзо: 
Тасдиқлади:	Лавозими - Бош Директор	Сана: 01.12.2023	Имзо: 

- Иш ҳақини тўлаш аниқ ва мунтазам жадвал бўйича ишчиларга аниқ ведомость асосида тўлаб берилади.

2. Мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди

- **2.1. Меҳнат эркинлиги.** Мажбурий меҳнатнинг ҳеч қандай шаклига, шу жумладан мажбурий меҳнатга, ихтиёрий қулликка ёки одам савдосига йўл қўйилмайди.

- Ишчилар ихтиёрий равишда ишга олиниши ва белгиланган тартибда иш берувчини огоҳлантирган ҳолда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

- **2.2. Ишга қабул қилиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш**

- Ишга қабул қилиш жараёни шаффоф, холисона ва ўзаро ҳурматга ҳурматли бўлиши керак.

- Ишчилардан ишга жойлашиш шarti сифатида шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш талаб қилинмайди.


- **3. Болалар меҳнатида фойдаланмаслик**

- **3.1. Ёшга қўйиладиган талаблар**

- Болалар меҳнати қатъиян ман этилади. Амалдаги қонунчиликда белгиланган меҳнатга лаёқатли ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилиниши ман этилади.

- Қонуний равишда ишга қабул қилинган ёшлар оғир ва зарарли меҳнат шароитларидан тегишли равишда химояланган бўлишлари керак.

- **4. Иш жойида хавфсизлик**

Тайёрлади:	Лавозими - Кадрлар бўлими менеджери	Сана: 01.12.2023	Имзо: 
Текширди:	Лавозими - Кадрлар бўлими директори	Сана: 01.12.2023	Имзо: 
Тасдиқлади:	Лавозими - Бош Директор	Сана: 01.12.2023	Имзо: 

4.1. Саломатлик ва хавфсизлик

- Ишчилар соғлом ва хавфсиз меҳнат шaroитлари ҳамда зарур хавфсизлик ускуналарига эга бўлишлари керак.
 - Иш жойидаги хавфларни олдини олиш учун тегишли тренинг ва маълумотлар тақдим этилиши керак.
 - Пудратчи тайинланган вазифани бажариш учун барча шахсий ҳимоя воситаларини (агар керак бўлса) тақдим этади.
 - Пудратчи муносиб меҳнат шaroитларини яратади ва меҳнат (иш жойи) гигиенасини таъминлайди.
- 4.2. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун тайёргарлик**
- Иш жойидаги фавқулодда вазиятлар ва бахтсиз ҳодисаларни бартараф этиш учун барча йўриқномалар ва ресурслар мавжуд бўлиши керак.

5. Дискриминация ва ҳурмат**5.1. Тенг муомала**

- Ирқи, ранги, дини, жинси, ёши, миллий келиб чиқиши, жинсий ориентацияси, ногиронлиги ёки бошқа ҳимояланган хусусиятларидан қатъи назар, барча ишчиларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш керак.
- Камситиш, таъқиб қилиш ёки қўрқитишнинг ҳар қандай шакли қатъиян ман этилади.

6. Жинсий зўравонлик**6.1. Жинсий зўравонликни олдини олиш ва ҳабар бериш**

Тайёрлади:	Лавозими - Кадрлар бўлими менеджери	Сана: 01.12.2023	Имзо: 
Текширди:	Лавозими - Кадрлар бўлими директори	Сана: 01.12.2023	Имзо: 
Тасдиқлади:	Лавозими - Бош Директор	Сана: 01.12.2023	Имзо: 

- Жинсий зўравонликка йўл қўйилмайди. Ишчилар ҳар қандай жинсий зўравонликдан холи бўлишлари керак
- Зўравонликлар ҳақида хабар беришнинг аниқ тартиби белгиланиши керак, ва ўз ўрнида, хабар берувчиларнинг махфийлиги ва ҳимояси таъминлаши керак.

7. Одоб-ахлоқ**7.1. Ҳалоллик**

- Ишчилардан Индорама агро ва унинг манфаатдор томонлари билан тўғри, ҳалол ва профессионал даражада мулоқотда бўлишлари талаб этилади.
- Пудратчи Индорама агро ходимларини ишга олмайди.
- тижорат сирини сақлаш тамойилларига риоя қилади.

8. Мувофиқлик ва мониторинг**8.1. Мувофиқлик**

- Индорама агро ушбу одоб - ахлоқ кодексига риоя этилишини таъминлаш учун меҳнат амалиётларини текшириш ва назорат қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

8.2. Оқибатларини бартараф этиш

- Ушбу сиёсат талабларига риоя қилинмаган ҳолатларда зудлик билан тегишли чоралар белгиланиши шарт, шу жумладан, меҳнат муносабатларини бекор қилиш чораси ҳам чора сифатида қўлланилади.

9. Қоидабузарлик ҳақида хабар бериш



- Ишчилар ушбу Одоб-ахлоқ кодекси талабларининг ҳар қандай бузилиши ҳақида шикоятларни кўриб чиқиш бўлимига, кадрлар бўлими ёки тегишли бошқа мутасадди раҳбарлар орқали Индорама агрога хабар беришлари тавсия этилади.

Тайёрлади:	Лавозими - Кадрлар бўлими менеджери	Сана: 01.12.2023	Имзо: 
Текширди:	Лавозими - Кадрлар бўлими директори	Сана: 01.12.2023	Имзо: 
Тасдиқлади:	Лавозими - Бош Директор	Сана: 01.12.2023	Имзо: 

Хулоса

Индорама агро номидан ишлашга розилик билдирган ҳолда, барча учинчи томон ишчилари ва субпудратчилар ушбу одоб – ахлоқ кодексида баён этилган тамойилларга риоя қилиш мажбуриятини оладилар. Ушбу тамойилларга риоя қилмаслик шартноманинг бекор қилиш оқибатларига олиб келиши мумкин.

- Индорама агро барча ишчилар учун хавфсиз, ўзаро ҳурматга асосланган ва инклюзив иш муҳитини яратишга ҳаракат қилади ва учинчи томон ҳамкорларидан ҳам шундай муносабат ва мажбуриятни кутиб қолади.

Тайёрлади:	Лавозими - Кадрлар бўлими менеджери	Сана: 01.12.2023	Имзо: 
Текширди:	Лавозими - Кадрлар бўлими директори	Сана: 01.12.2023	Имзо: 
Тасдиқлади:	Лавозими - Бош Директор	Сана: 01.12.2023	Имзо: 